

## ЎЗБЕК КАШТАЧИЛИГИ ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

*Абуллаева Насибахон Арабовна<sup>1</sup>*

**Асоснома:** Ўзбек каштачилиги тарихи ва уни пайдо бўлиши тўқимачилик билан бевосита боғлиқ эканлиги ва уни ривожланиш тарихи ҳакида маълумотлар берилади.

**Калит сўзлар:** Кашта, безак, Жойтун маданияти, ип йигириш, тўқимачилик дастгохи, Қора булоқ мозор қўргони, ипак мато, жун мато.

**Кириш:** Каштачилик матога безак беришнинг энг қадими усулларидан бири сифатида ўзининг кўп асрлик тарихига эга бўлиб, унинг пайдо бўлиши эса бевосита тўқимачиликни ривожланиши билан боғлиқ холда юз берган.

**Асосий қисм:** Айрим тадқиқотчилар Турон ҳудудида тўқимачилик милоддан аввалги VI – IV минг йиллар, яъни неолит даврида пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бунга далил сифатида энг қадимги дехқончилик воҳаси Копетдоғ этаклари (Жойтун маданияти)дан топилган тўқимачилиқда ишлатилган дастгоҳларнинг қолдиқларини келтирадилар. Чунки, ушбу даврда минтақада чорвачилик анча ривожланиши натижасида жунни тўқимачилиқдаги роли ортиб, ундан ип йигириш ва мато тўқиши асосий ўринни эгаллаган. Табиийки, кийимларнинг кўпи жун матолардан тайёрланган<sup>2</sup>.

Фарғона водийси ҳудудидан ҳам қадимги тўқимачилик дастгоҳига тегишли урчуқтошлар, моки ва суяқ тароқлар кўплаб топилган. Ушбу ашёлар Чуст маданияти (милоддан аввалги II – I минг йилликлар)га тегишли бўлиб, бу эса ушбу ҳудудда тўқимачилик қадимдан ривожланганлигини кўрсатади.

Қадимги одамлар томонидан тайёрланган матолар, улардан тикилган кийимлар ва уй-рўзғор анжомлари ҳозирги кунгача етиб келмаган. Чунки, ушбу буюмлар асрлар давомида истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб, йўқ бўлиб кетган. Лекин, қадимда тайёрланган матолар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни археологик материалларни ўрганиш орқали билиб олиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган қазишма ишлари даврида археологлар томонидан топилган бир қатор сопол буюмларда қадимги матоларни излари сақланиб қолган.

Матоларга безак бериш қадимдан бошланган, десак хато бўлмайди. Чунки, қадимги одамлар айрим буюмлар, хусусан, ов ва меҳнат қуролларига ҳамда бошқа анжомларга белги ёки тасвиirlарни солганлар. Шунингдек, улар ўзларининг кийимларига тош, суяқ ва ёғочдан ясалган нарсаларни қадаганлар. Баъзан бошқа рангдаги мато бўлакларидан кийимларнинг айрим қисмларига эса безак тикканлар.

<sup>1</sup> АДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси (PhD). Тел:+99894 527-17-93

<sup>2</sup> Майдинова Г. Раннесредневековая ткани Средней Азии. – Душанбе: 1996. – С. 4-5.



Матога ишлов бериш, хусусан унга кашта тикиш Ўрта Осиё халқлари томонидан қадим даврлардан амалга ошириб келинган, буни Фарғона водийси худудидан топилган археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида археолог Ю.Д. Баруздин водий худудида жойлашган Қорабулоқ мозорқўргонини очиб, жасад билан бирга турли хил ашёлар борлигини аниқлаган эди. Ушбу қадими мозордан жуда кўп ипак ва жундан тайёрланган матоларни топилиши ўз вақтида Ўрта Осиё археологиясида катта кашфиёт бўлди. Ушбу кашфиётнинг тарих фани, шу жумладан археология ва этнография фанлари учун аҳамияти шундаки, милодий I асрга оид бу қадар кўп ипак ва жун матолар Ўрта Осиё худудидан илк бор топилиши эди.

Ю.Д. Баруздин кашфиётини бизнинг тадқиқотимиз учун энг муҳим аҳамияти эса топилган матоларнинг бир нечтасида кашта безакларини сақланиб қолганлигидир. Ю.Д. Баруздин Қорабулоқдан топилган ашёвий буюмлар ҳақида тўхталиб, матолардан турли мақсадларда фойдаланилганлиги, улар ичида марҳумни юзига ёпиб кўйилган рўмолча ўзига хослиги билан ажралиб туришини қайд этади. Муаллифнинг фикрича, қабр очилганда аёл кишининг скелети чўзилган, боши эса жануб томонга қараган ҳолда жойлашган. Энг эътиборли томони, марҳумнинг юзида қизил рангли матодан тайёрланган рўмолча бўлиб, унга қора ип билан ҳар икки қўлида афсонавий аждоҳони тутиб турган икки аёлни тасвири кашта қилиб тикилган<sup>3</sup>. Ушбу археологик ашёвий буюм қадимги фарғоналикларда милоддан аввалги ва милодий бошларида матога кашта тикиш нафақат мавжуд бўлганлиги, балки ушбу амалий санъат соҳаси анча ривож топганлигидан ҳам далолат беради.

Шунингдек, қадимги хукмдорлар саройларининг деворларига ишланган суратларда акс этган тасвиrlар ҳам ўша давр амалий санъати, хусусан, матоларга турли безак бериш, ҳатто каштачилик хунарини қандай ривож топганлигини кўrsатади. Масалан, ушбу ҳолатни Афросиёб деворий суратларида ҳам кўриш мумкин. Мазкур деворий суратларда бир неча персонажлар акс этган бўлиб, уларнинг бир қисми от минган, бошқалари отни етаклаган ҳолда тасвиirlанган<sup>4</sup>. Ушбу суратларни дикқат билан қўздан кечирсак, аввало, шу нарса аниқ бўладики, Самарқанд хукмдори хузурига йўл олган Чагониён элчиларининг кийинишлари ўша даврда Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган ҳамда Буюк ипак йўли орқали хорижий мамлакатлардан келтирилган асл матолардан тикилганлиги кўриниб турибди. Тасвирида элчилар асл матолардан тайёрланган кийимларни кийиб Самарқанд хукмдорининг қасрига қараб бормоқда. Элчилар кийган кийимлар, уларнинг тужа ва отларидаги ёпинчиқлар қимматбаҳо матодан тайёрланган бўлиши билан бирга кашталар билан зийнатланган. Аникроғи, элчилар либосининг ёқа, этак ва енг учларига каштали ҳошия тикилганлиги аниқ билиниб турибди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Афросиёб деворий суратлари, аникроғи, матоларга солинган турли хилдаги тасвиirlарни айнан каштачилик намунаси деб хисоблаш қай даражада асосли? Тадқиқот давомида ушбу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилинди. Маълум бўлдики, ушбу масала анча баҳсли, лекин этнограф О.А. Сухарева ўзининг Ўрта Осиё каштачилигига бағишланган ишларининг бирида VI–VII асрларга оид деворий суратларда акс этган кийимлардаги безаклар кашта тикиш йўли билан амалга оширилган, деб хисоблайди. Унинг фикрича, ушбу даврда тўқимачилик дастгоҳида матога гул босиш Ўрта Осиё худуди учун

<sup>3</sup> Баруздин Ю. Д. Кара-Булакский могильник. (Раскопки 1954 г.).// Труды ИИ АН Кирг. ССР. Вып. II, 1956. – С. 56.

<sup>4</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасияба... – С. 45. (рис.2). Иллюстрация. Табл.XXIII.



унчалик хос бўлмаган. Шу боис, кийимлардаги безаклар қўл меҳнати эканлиги муаллиф томонидан таъкидланади<sup>5</sup>.

Таниқли этнограф О.А. Сухарева фикрига қўшилган холда Авросиёб деворий суратларида акс этган персонажларнинг кийимлари ҳамда от, тuya ва фил каби ҳайвонларнинг ёпинчиқларидағи безаклар матога кашта тикиш билан бажарилган, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга О.А. Сухарева фикрига қўшимча тарзда қуйидагиларни ҳам келтириш ўринли. Биринчидан, матолардаги тасвирларни диққат билан кўздан кечиришдан маълум бўладики, уларда анъанавий каштачиликда кенг қўлланиладиган “сув чок”, “йўрма чок”, “босма чок”, “илмоқ (занжир) чок”ка ўхшаш нақшлар аниқ акс этган. Иккинчидан, Самарқанд ҳукмдори саройига кетаётган элчилар ўз даврининг зодагонлари бўлиб, сафарга кашталанган қимматбаҳо кийимларини кийиб олганлиги табиий ҳолдир. Қолаверса, милоддан аввалги даврдаёқ матоларни кашта тикиш йўли билан безаш Ўрта Осиё минтақаси ва унга туташ худудларда анча оммалашганлиги маълум.

Яна бир ҳолат эътиборни ўзига тортади. Суратда тасвирланган туюни минган катта ёшли эркак киши қизил рангдаги чакмон кийган. Елкасига ташланган сариқ рангли енгиз кийим эса шамолда ҳилпирамоқда<sup>6</sup>. Бизнингча, шамолда ҳилпираб турган ушбу кийим каштачиликда қўп ишлатилаётган нимшойи ва шойи матодан тикилган бўлса керак.

Тадқиқотчилар ҳукмдор саройига қараб ҳаракатланаётган ушбу одамларни европоид ирқига мансуб бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Чағониён элчилари турли этник гурухларнинг вакиллари эканлиги ҳам суратдаги персонажларнинг юз қиёфасидан кўриниб турибди.

Ушбу одамларнинг юз тузилишлари пешона, бурун ва кўзлари, шунингдек, кийимларнинг ранги, бичими ҳамда безаклари аниқ акс этган. Натижада, элчиларни бир гурухи иккинчисидан бир қатор антропологик белгилари, кийиниш одатлари ва кийим безаклари билан фарқланиб турибди. Бундан ташқари персонажларни кийимларида улар яшаётган давр, ўзлари мансуб бўлган этник ижтимоий табақа одатлари акс этганлигини кўриш қийин эмас. Қолаверса, уларнинг кийимларидаги безаклар эса ўша давр каштачилиги ҳақида ҳам маълумот бериши билан аҳамиятлидир.

Афросиёб материалларидан ташқари Тупроққалъя (I-VI аср)<sup>7</sup>, Болаликтепа (V аср)<sup>8</sup> ҳамда Варахша<sup>9</sup> ва Панжикентдаги<sup>10</sup> археологик маконларидан топилган деворий суратларда акс этган персонажларнинг кийимлари ҳам безакли матолардан тайёрланганлигини кўриш мумкин.

Бухоро, Панжикент, Варахша ва Нахшаб каби қадимги шаҳарларнинг ҳаробаларидан топилган бундай деворий суратларда ҳам аксарият ҳолларда ҳукмдор қабулидаги базм ҳамда зиёфат саҳналари тасвирланган. Бундай саҳналарда одатда, аслзода эркак ва аёллар иштирок этган бўлиб, уларнинг қимматбаҳо матодан тайёрланган кийимларига ҳам ўзига мос турли

<sup>5</sup> Сухарева О.А. Сузани среднеазиатская декоративная вышивка. ... С.7.

<sup>6</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасияб... С. 45. ( рис.2). Иллюстрация табл.XXIII.

<sup>7</sup> Толстов С.П. По селедам древние хоразмийской цивилизации. – М. – Л.: 1948. – Рис.46.

<sup>8</sup> Альбаум Л.И. Балалыктепа. – Т.: 1960.

<sup>9</sup> Шишкин В.А. Археологические работы 1947 г. На городище Варахша// Известия АН Уз ССР. №5. 1948. – С. 62-70.

<sup>10</sup> Живопись древнего Пянджикента. – М.: 1954. Скульптура и живопись древнего Пянджикента. – М. – Л.: 1948. – С. 181.



кашталар билан безаклар берилган<sup>11</sup>. Ушбу лиbosлардаги кашталар ўзининг бежиримлиги билан эмас, айни вақтда, этнохудудий хусусиятлари билан ҳам ўзига хослигини акс эттиради.

Бугунги кунга қадар Фарғона водийсида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги каби қадимий деворий суратлар топилган эмас. Бирок, ушбу даврларга оид бир неча мато қолдиқлари топилган. Уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали ушбу давр матоларини тайёрланиш усуллари, ундаги ранглар ва матога тикилган кашта безаклари, умуман олганда, мазкур давр каштачилиги ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Археолог Б. Матбобоев Наманган вилояти Поп туманидаги Мунчоқтепа ёдгорлигига қазишина ишларини олиб бориб, у ердаги мозор сағаналаридан эркак, аёл ва болалар кийимлари қолдиқларини топган. Ушбу материалларни ўрганиш жараёни шуни кўрсатадики, уларни тайёрлашда ипак матолар нафақат кенг кўлланилган, балки маҳаллий чеварлар ушбу кийимларни безаб, уларга ҳошияли кашта тикканлиги аникланган. Ип матодан тикилган аёл кийими “ўсимлик гули” нусхасидаги кашта билан зийнатланганлиги маълум бўлади<sup>12</sup>. Ўз ўрнида шуни қайд этиш ўринлики, Мунчоқтепа ёдгорлигидан топилган кийимларни нафақат бичими, балки улардаги кашта безаклари ҳам кўп жиҳатдан XIX аср охири – XX аср бошларига оид лиbosлардаги кашта нусхаларига ўхшайди. Бу эса анъанавий кийим ва уларни кашта билан безаш усуллари асрлар давомида трансформациян жараёнларни босиб ўтган бўлса-да, тарихий асосини маълум даражада сақлаб қолганлигини кўрсатади.

Матога бадиий безак бериш тараққиёти кейинги асрларда ҳам давом этиб, бунда турли тарихий омиллар муҳим ўрин тутди. Чунончи, буни каштачиликка ислом динини таъсири мисолида ҳам кўриш мумкин. О.А.Сухарева таъкидлаганидек, Ўрта Осиёда ислом дини тарқалиши билан тасвирий санъат, шу жумладан, каштачиликда ҳам бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бу асосан нақш безакларида ўз ифодасини топган. Айни вақтда каштачилик ривожланиб, айrim кашта буюмларини тайёрлашга ихтисослашув жараёни юз берди.

Ўрта аср тарихчилари Истархий, Ибн Ҳавқал, Наршахийларнинг асарларида гарчи ушбу давр каштачилиги ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган бўлса-да, мазкур даврда ишлаб чиқарилган матолар ва уларнинг турлари тўғрисида қимматли маълумотларни топиш мумкин<sup>13</sup>. Шубҳасиз, ушбу босқичда мато ва кийимларга ҳам кашта безаклари тикилган.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур хукмронлиги даврида Мовароуннахр ва Хурсонда катта ўзгаришлар юз берган. Самарқанд ва Шероз каби шаҳарлар илм-фан ҳамда маданият марказига айланди. Мазкур шаҳарларда савдо-сотик ва хунармандчилик ривожланди. Амир Темур салтанатида юз берган бундай улкан ўзгаришлар ва юксак тараққиёт ҳалқ моддий маданияти, хусусан, амалий санъатида ҳам ўз аксини топди. Ушбу даврда аҳоли кийим-кечакларининг тури кўпайди, маҳаллий бичимдаги кийимлар пайдо бўлди. Энг эътиборли томони, мазкур даврда ҳалқ амалий санъатининг бир қатор соҳалари, шу жумладан, ранг-баранг матолар тайёрлаш, уларга безак бериш ҳамда кашта тикиш ривож топди.

<sup>11</sup> Махкамова С. М. К истории ткачества в Средней Азии // Художественная культура Средней Азии IX – XIII веков. – Ташкент, 1983. – С. 69.

<sup>12</sup> Матбобоев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент, 2009. – С. 70. Ўша муаллиф. Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида) // Ўзбекистон этнографияси янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Ташкент, 2004. – Б. 130 –133.

<sup>13</sup> Художественная культура Средней Азии. Художественная культура Средней Азии IX – XIII веков. – Ташкент, 1983. – С. 70 –71.



Испания элчиси Амир Темурнинг севимли рафиқаси Бибихоним (Сароймулхоним) иштирокидаги бир базм ҳақида тўхталиб, шундай сатрларни ўз кундалигига битган эди: “Тўқ қизил гиламлардан қилинган чодирнинг ичкари ва ташқари тарафи каштали оппоқ сўзаналар билан жиҳозланган”<sup>14</sup>. “Чодир нафис қизил шойи билан ёпилган, шойининг устидан юқоридан пастга қараб зарҳал қумуш тўқалар қадалган тасма тушурилган эди. Чодир кўзни яшнатадиган кашталар билан безатилган”<sup>15</sup>. Демак, кўриниб турибдики, Темур ва темурийлар даврида ҳунармандчиликнинг барча соҳалари каби каштачилик ҳунари ҳам ривож топган. Қолаверса, ушбу даврнинг миниатюра асарларида ҳам матоларга безак бериш усууллари, хусусан, кашта тикиш анча ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига ишланган “Темур Самарқанд атрофида зиёфатда” деб номланган миниатюрада бир нечта персонажлар қимматбаҳо матодан тайёрланган кийим-бошларда тасвиirlанган. Уларнинг кийимларига турли кашталар тикилганлигидан ҳам кўриш мумкин<sup>16</sup>.

Каштачилик ўзбек ҳонликлари даврида ҳам ривожланишда давом этади ва унинг бир қатор янги соҳалари, маҳсулотнинг янги турлари пайдо бўла бошлади. Албатта, ушбу жараён кашта буюмларини тайёрлашда ишлатиладиган сифатли мато ва ип ҳамда ипакнинг кўп ишлаб чиқарилиши билан узвий боғлиқ эди. Мазкур босқичда кашта буюмларнинг товарлилик хусусияти суст бўлса-да, унинг халқижтимиий-маданий турмушидаги аҳамияти жуда юқори эди.

Ҳонликлар даврида кашта буюмларининг асосий қисми уй шароитида тайёрланган ва асосан, ҳар бир оиланинг эҳтиёжи учун хизмат қилган. Кашта буюмлари асосан, қўл меҳнати билан хотин-қизлар томонидан тайёрланган. Каштали нақшлар нафақат миллий кийимлар, шунингдек, уй-рўзғор буюмларига ҳам тикилган. Мазкур даврда сўзана, палак, гулкўрпа, кирпич, дастурхон, деворга ёки кўчма уйнинг ичкари қисмига осиладиган каштали гиламча ҳамда ёстиқ жилдлари бу даврда ишлаб чиқарилган асосий кашта буюмлари эди.

Маълумки, зардўзлик каштачиликнинг ўзига хос соҳаларидан бири ҳисобланади. Каштачиликнинг ушбу соҳасини ҳам ўзига хос ривожланиш тарихи мавжуд. Тарихий маълумотларга кўра, зардўзликнинг ватани Бобил бўлиб, зар, ипак ва жун ип қўшилиб тикилган ранг-баранг каштачилик буюмлари ўз давридаёқ дунёга машҳур бўлган. Византия билан маданий-сиёсий алоқалар натижасида зардўзлик санъати кейинчалик Эрон ва сўнгра Русга ҳам кириб борган<sup>17</sup>.

Каштачиликнинг ушбу нодир соҳаси милодий I-II асрлардаёқ Туронга тарқалган бўлиб, буни ўша даврга оид археологик материаллар ҳам тасдиқлайди. Албатта, зардўзлик бошқа ҳунар соҳалари каби Темур ва темурийлар даврида анча тараққий этган.

Айниқса, Бухоро амирларини алоҳида эътибори ва рағбатлантиришлари натижасида ҳонлик худудида зардўзлик анча ривожланган. Қимматбаҳо матодан тайёрланган зардўзи кийимларни асосан, амир саройидагилар ва шаҳар бойлари учун юзлаб қўли гул усталарнинг заҳматли меҳнатлари билан тайёрланган. Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амири саройи ва хусусий корхоналарда 300 нафардан 350 нафаргача зардўзи усталар меҳнат қилган<sup>18</sup>. 1885–1911 йилларда Бухорода халқ ҳунармандчилигининг

<sup>14</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига... – Б. 186.

<sup>15</sup> Юқоридаги манба... – Б. 187.

<sup>16</sup> Шарқ миниатюраси ва адабиёти. – Т, 1987.- 106 – расм.

<sup>17</sup> Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.... – Б. 320.

<sup>18</sup> Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.... – Б. 320; Остонов О. А. Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ ( XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент, 2013. – Б. 45.



зардўзлик соҳаси юксак даражада равнақ топди. Ушбу даврда зардўзи кийимлардан ташқари халтача, ёстиқ жилди ва от ёпқичи сингари зардўзлик буюмлари ҳам тайёрланган.

Қўқон хонлигига ҳам ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, хусусан, тўқимачилик, яъни мато ишлаб чиқариш, айниқса, ипак ва ярим ипак маҳсулотларини тайёрлаш бирмунча тараққий этган эди. Бу ҳақда XVIII аср 70-йилларида Қўқон хонлигига Филипп Ефремов шундай ёзади: “Қўқон ва унинг шаҳарларида ипак ва ярим ипак маҳсулотлари, бўз ишлаб чиқариш ва улардан чопон, бошқа буюмлар тайёрлаш ривожланган. Қўқонликлар савдода бухороликлар билан рақобатлаша оладилар”<sup>19</sup>

1813–1814 йилларда Қўқон хонлигига ташриф буюрган бошқа бир хорижлик Ф. Назаров эса бу ерда ишлаб чиқарилган тўқимачилик ҳамда ипак маҳсулотларига баҳо бериб: “Қўқон ҳунармандлари тайёрлаган тўқимачилик ва ипак маҳсулотлари бошқа ҳудудлардаги ҳудди шу турдаги моллардан устун” деб ёзган эди<sup>20</sup>.

Қўқон хонлиги ҳунармандлари томонидан кашта буюмларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи бир нечта турдаги матолар, шойи ва нимшойи газламалар тайёрланган, ипакдан эса турли матолар тўқилган. Масалан, канauc, шойи, атлас, адрес каби ипак, бекасам, банорас, адрес сингари ярим ипак матолар Қўқон, Марғилон, Наманганд ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган.

Қолаверса, хонлик шаҳарларида маҳаллий ўсимликлардан турли рангдаги бўёқ тайёрлаш, ипак ва ярим ипак матоларни бўяш ҳунари ҳам ривожланган. Бу эса ўз ўрнида Фаргона водийсида каштачиликнинг тараққий этишига замин яратди.

Мазкур даврда каштачиликни водийда кенг оммалашуви аҳолини гулдор маҳсулотларга меҳр-ҳавасини инъикоси сифатида намоён бўлди. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Қўқон хонлиги ҳудудида ҳам сўзана, палак, чойшаб, гулкўрпа, зардевор каби каштачилик буюмлари уйнинг ички қисмини безаш учун тайёрланган. Шунингдек, дўппи, белбоғ, жойнамоз, дастурхон каби кундалик эҳтиёж буюмлари тайёрланиб, ушбу буюмлар нафис кашта гуллари билан безатилган.

Ушбу даврда каштачилик нафақат ўтроқ аҳолида ривож топган, балки водийнинг яримўтроқ қирғиз, қипчоқ, турк, юз, найман, қорақалпоқ сингари халқларида ҳам этнохудудий хусусиятлар касб қилган ҳолда ривожланди.

Туркистонни Россия империяси томонидан босиб олиниши натижасида ўлкада янгича ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг қарор топиши анъанавий санъатнинг қатор соҳалари ривожига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсата бошлаган бўлса-да, каштачиликда анъаналар сақланиб қолди. Яъни, ушбу даврда ҳам қўл кашталарига бўлган эҳтиёж аҳоли орасида катта эди<sup>21</sup>. Албатта, мазкур соҳада ҳам ўзгаришлар юз берди. Бундай ўзгаришлар аввало, каштачиликда машиналарнинг қўлланилиши билан боғлиқ эди.

**Хулоса:** Хуллас, каштачилик ҳунари узоқ ривожланиш жараёнини босиб ўтди. Мазкур ҳунармандчилик тармоғи ўз тараққиётининг барча босқичларида Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, фаргоналиклар ҳам бадиий кашта маҳсулотларига доимо эҳтиёж сезганлар. Негаки,


<sup>19</sup> Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухари, Хива, Персии, Тибет и Индии в возвращение его от туда через Англию в Россию. – Казань, 1811. – С. 114.

<sup>20</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народных и землях средней части Азии. – СПб. 1821. – С. 74–76.


<sup>21</sup> Давлатова С. Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контексида... – Б. 147.



нодир ва нафис кашта буюмлари аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шубҳасиз, каштачиликнинг ривожи ва унинг ранг-баранглигини таъминлаш бир қатор омилларга боғлиқ эди. Мазкур жараёнда кашта учун асос бўладиган турли турдаги мато, ип ва ипак қаби маҳсулотларни ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятга эга бўлган.



**Илова 1. Расм №1. Қора ип билан ҳар икки қўлида афсонавий аждоҳони тутиб турган икки аёлни каштали тасвири. (Фарғона водийсидаги Қорабулоқ қабристонидан топилган)**




**Илова 1. Расм №2. Марҳумни юзига ёпиб қўйилган кашта тикилган рўмолча (Фарғона водийсидаги Қорабулоқ қабристонидан топилган)**



Илова 1. Расм № 3. Афросиёб деворий суратлари



Илова 1. Расм № 4 Афросиёб деворий суратлари



**Илова 1. Расм № 5. “Үсимлик гули” нусхасидаги кашта тикилган аёл кийими. (Фарғона водийсидаги Мунчоқтепа қабристонидан топилган) Қайта тикланган**



**Илова 1. Расм № 6. Безакли аёл кийими. (Фарғона водийсидаги Мунчоқтепа қабристонидан топилган) Қайта тикланган**

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Майтдинова Г. Раннесредневековая ткани Средней Азии. – Душанбе: 1996. – С. 4-5.
2. Баруздин Ю. Д. Кара-Булакский могильник. (Раскопки 1954 г.)// Труды ИИ АН Кирг. ССР. Вып. II, 1956. – С. 56.
3. Альбаум Л.И. Живопись Афрасияба... – С. 45. ( рис.2). Иллюстрация. Табл.XXIII.
4. Сухарева О.А. Сузани среднеазиатская декоративная вышивка. ... С.7.
5. Альбаум Л.И. Живопись Афрасияба... С. 45. ( рис.2). Иллюстрация табл.XXIII.
6. Толстов С.П. По селедам древнне хоразмийской цивилизации. – М. – Л.: 1948. – Рис.46.
7. Альбаум Л.И. Балалыктепа. – Т.: 1960.
8. Шишгин В.А. Археологические работы 1947 г. На городище Варахша// Известия АН Уз ССР. №5. 1948. – С. 62-70.
9. Живопись древнего Пянджеликента. – М.: 1954. Скулптура и живопись древнего Пянжикента. – М. – Л.: 1948. – С. 181.
10. Махкамова С. М. К истории ткачества в Средней Азии // Художественная культура Средней Азии IX – XIII веков. – Ташкент, 1983. – С. 69.
11. Матбобоев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент, 2009. – С. 70. Ўша муаллиф. Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида)// Ўзбекистон этнологияси янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Ташкент, 2004. – Б. 130 –133.
12. Художественная культура Средней Азии. Художественная культура Средней Азии IX – XIII веков. – Ташкент, 1983. – С. 70 –71.
13. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанд – Амир Темур саройига... – Б. 186.
14. Юқоридаги манба... – Б. 187.
15. Шарқ миниатюраси ва адабиёти. – Т, 1987.- 106 – расм.
16. Б улатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.... – Б. 320.
17. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.... – Б. 320; Остонов О. А. Зарафшон воҳасида хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ ( XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент, 2013. – Б. 45.
18. Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухари, Хива, Персии, Тибет и Индии в возвращение его от туда через Англию в Россию. – Казань, 1811. – С. 114.
19. Назаров Ф. Записки о некоторых народных и землях средней части Азии. – СПб. 1821. – С. 74–76.
20. Давлатова С. Т. Ўзбек анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контексида... – Б. 147.

